

Кўзи ожизнинг таяммуми



18:08 / 19.08.2020 1727

Савол:

Менинг кўзларим ожиз. Бомдод намозини ўқийдиган пайтда уйда ҳамма ухлаётган бўлади. Ўзим мустақил равишда таҳорат оладиган жойгача бора олмайман. Менга фақат бомдод намозини таяммум билан ўқишга рухсат бормикин?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, бир мусулмон оилада бомдод намози вақтида кўзи ожиз, ёши улур бир кишидан бошқа ҳамманинг ухлаб ётиши жуда ҳам ачинарли бир ҳол. Айниқса, кўзи ожиз шахс Аллоҳга ибодат қилиш учун ҳаракат қилганида ўз уйдан ёрдамчи топа олмаслиги яна ҳам ачинарли бир ҳолатдир. Албатта, бу барчамизнинг афсусимизга, надоматимизга сабаб бўладиган бир манзарадир. Энди, фаразан айтяпмизки, мана шу ачинарли, афсусланарли

ҳолга тушиб қолган, мустақил бориб сув топа олмайдиган, лекин намознинг вақти чиқиб кетишидан, намоз қазо бўлишидан хавотир оладиган одам, албатта, таяммум қилиб намоз ўқиса жоиз. Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шариатида рухсат берган нарсадир. Аллоҳ таоло бундай кўнгилсиз ҳолатлар такрорланмаслигини таъминлаган бўлсин, ҳар бир банда Аллоҳга ибодат қиламан деганда тўлиқ бир шароитга эга бўлишини таъминлаган бўлсин.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан олинди